

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР, ЧИГИТ ЭКИШДА ДАСТЛАБКИ КУНЛАРДАНОҚ КВАДРАТГА ЗЎР БЕРАЙЛИК!

ЧИГИТ ЭКИШНИ ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН СИФАТЛИ ЎТКАЗАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг тарихий қарорларидан ва ўртоқ Н. С. Хрущевнинг доно ва ёрқин нутқларидан руҳланган областимиз қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил мамлакатга 500 минг тонна «оқ олтин» топишига, барча қолхоз ва совхозларда пахта ҳосилдорлигини ошириш ва область бўйича гектардан олпадиган ўртача ҳосилни 24,2 центнерга етказишга қатъий қарор қилдилар. Бу шарафни ва ғоят масъулиятли вазифани муваффақиятли бажармоқ учун чигитни зўр уюшқоқлик билан энг қулай агротехника муқддатларида юқори сифатли экиб олиш, ҳаммадан муҳими гектарларнинг тўлиқ ва гўза туллилигини нормал қилишда бўлишни таъминлаш керак.

Областимизнинг Бекобод, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл районларидаги қолхоз ва совхозларда айрим бригада ва звенолар етилган ерларга тандаб чигит экишга киришдилар. Бекобод районидagi «Чанок» совхозидан Ҳошим Мирзаев ва Навоий номли қолхоздан Хидир Тимбошев, Олиш Бойбаевлар бошлиқ бригадалар, Ўрта Чирчиқ районидagi «Полярная звезда» ва «Ленин йўли» қолхозлари областда биринчи бўлиб чигит экабдилдилар. Ўрта-индин областнинг қўшма қолхоз ва совхозлариди оммавий равишда чигит экишга киришдилар. Барча район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, совхоз дирекциялари ва қолхоз правлениеларининг шу кеча-кундузиди энг муҳим вазифаси — чигит экишга тайёргарлик ишларини тезда тугаллаб, мўл ҳосилнинг тақдирини ҳал қилганидан бу муҳим кампанияни ҳар томонлама пухта тайёргарлик ва зўр уюшқоқлик билан бошлаб, энг қулай ва қисқа муқддатларда юқори сифатли ўтказишни иборат.

Фактлар шунини кўрсатадигани, бир қатор районлар қиш илақ кели, экиш олд ишлари алақачон тугалланган зарур бўлган ҳолда, қанузгача техника ремонтини, ариқ-зоғурларини тозалаш ва далага маҳаллий ўғит ташиб чиқаришни тавомлашганлар, ерларни текислаб ишлари эса жузла секиниб қолган бўлмоқда. Чиноз, Пискент, Бўқа районларида ва Лигиер шаҳридаги қўшма хўжаликларда чигит экишга тайёргарлик ишлари тугалланган эмас. Удистон, Сирдарё ва Оржоникиде районларида ҳам экишга тайёргарлик ишлари қоникарис бўлмоқда, ерларнинг паст-баландлигини тўғрилаш, карталарни текислаб, чигит экишни қанай қилиб ўтказиш юзасидан конкрет план тузиш ишларига яхши эътибор берилмаёттир.

Шуни доимо эсда тутиш керакки, чигит экиш кампанияси жуз кўп куч, оперативлик, катта ташкилотчилик ва зўр уюшқоқлик талаб қилганидан ҳамда сира пайсалга солилмайдиган, кечиктириб бўлмайдиган гўл муҳим ва масъулиятли кампаниядир. 500 минг тонна пахтанинг тақдирини ҳал қилганидан бу муҳим тадбирни ўтказишда ҳамма нарса майла-чўзасига ҳисобга олиниши, ишнинг сифатига жуз катта аҳамият берилиши керак. Тупроқдан нам етарли ва карталар яхши

текисланган бўлса, чигитнинг бир текис униб чиқиши, аниқ квадратлар ҳосил қилиниши учун яхши шароит вужудга келади. Тажриба шунини кўрсатадики, тупроқ яхши юмшатилмаган ва ер яхши текисланмаган карталарга чигит экилганида уруғлик қўшнча кесаклар орасида қўлиб кетади, текис униб чиқмайди ва кўчат ола бўлиб қолади. Шунинг учун агрономлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, қолхоз раҳбарлари, қишлоқ хўжалик новаторлари кенгашининг аъзолари, ишнинг сифатини текширадиган жамоат назоратчилари экишнинг сифатига жиддий эътибор беришлари, ҳар бир гектар ерга экилган чигитнинг тўла униб чиқишини таъминлашлари лозим.

Экин вақтида дала бурчаклари, йўл чеккаларини ўз вақтида ҳайлаб, пахта майдонига қўшиб юбориш, ҳар хил ариқларни камайтириб гектарларнинг тўлиқ бўлишига эришиш керак. Экин олдидан ўғит солилмаган ерларга ўғит солиш, уруғлик чигитларини намлаш ва экишга тайёргарлик юзасидан белгиланган барча агротехника қоидаларига тўла амал қилиш лозим.

Яна шунини ҳисобга олиш керакки, бу йил област қолхоз ва совхозларида ўтган йилдагига қараганда уч баравар кўпроқ майдонга чигитни аниқ экадиган сепалар билан экин мўлжалланмоқда. Шу билан бирга 150 минг гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилади. Бу масала фақат агротехника масаласигина бўлиб қолмай, балки сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ҳам жуз катта аҳамиятга эга бўлган масаладир. Пахта етиштиришда янги, прогрессив усулнинг кенг қўлланилиши партия, совет ташкилотларининг барча ҳолимларида, қишлоқ хўжалик мутахассисларида, кўп сонли меҳнаткорлар армиясида, қолхоз ва совхоз активлардан квадрат-уялаб экиш юзасидан берилган топириқини сўзаси бажариниши, рўй берган ҳақ қандай қийинчиликларини енгиб, зўр гайрат ва ташаббус билан ишлагани, тракторчи ва сепалчиларнинг масъулиятини оширишни талаб қилади.

Экиннинг дастлабки кунларидан қолқоват зўр бериш керак. Квадрат-уялаб чигит экишнинг аҳамияти, бу усулнинг афзаллиги ҳақида қўруқ вазъонлик қилинган кўра, амалий ишга ўтиш зарур. Оққўрғон райониди 1 апрелга қадар экилган 383 гектар пахта майдонининг атиги 8 гектарини ва Янгийўл райониди 207 гектар пахта майдонининг фақат 9 гектарини квадрат ташкил этганилиг мутлақо кечириб бўлмайдиган бир ҳолидир.

Чигит экин вақтида ернинг намин саклаб қолишга, экиннинг сифатига, квадратларнинг аниқ ва тўғри бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим. Чигитни яхши ишланган ва тайёргарлик ерга намин қонирмасдан сифатли қилиб энг қулай агротехника муқддатларида экиб олсак, бу — бизнинг ютуғимиз. Кечиксак — ютказганимиз.

Чигит экишни зўр уюшқоқлик билан юқори сифатли ўтказиш учун бутун куч ва моллий-техника ресурсларини сафарбар қилайлик!

ҚАРДОШ ВЕНГЕР ХАЛҚИГА

Миллий байрам муносабати билан табриклар

МОСКВА, 3 апрель. (ТАСС). Венгрия фашистлар аўлидан озод қилинган куннинг 16 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев венгер халқига энг самимий табриклар йўлладилар.

Венгрия давлат арбоблари Йонош Кадар, Иштван Добь ва Ференц Мюних ўртоқлар номига юборилган табрикда қардош венгер халқининг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида эришган янги катта муваффақиятлари қай қилинади. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг синналган раҳбарлиги остида Венгрия меҳнатқиллари социализм асосларини қўришни тугалламоқдалар. Венгер халқининг га-

балари совет кишиларини астойдил қувонтирмоқда ва Венгриянинг ҳамма дўстлари бу муваффақиятларини эътироф этмоқда дейилади табрикда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети, барча совет кишилари Венгрия Социалистик ишчи партиясига, Венгрия Халқ Республикаси Президиумига, революцион ишчи-деҳқон ҳўкумати ва бутун қардош венгер халқига сўзалистик қўриқлишда, бутун дунёда тинчлик учун курашда янгидан-янги муваффақиятлар тилайдилар.

СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громыко миллий байрам муносабати билан Будапештга, Венгрия Ташқи ишлар министри Эндре Шика табрикнома юборди.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 67 (1845)

4 апрель, сешанба, 1961 йил

Баҳоси 2 тийин

ЕТИЛГАН ЕРЛАРГА ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

ИШЧАН ШОФЕР—ТЮПКОЧИЛАР ЗВЕНОСИНИНГ БОШЛИҒИ

Машҳур меҳанизатор Турсунов Охунова Москвадан, КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидан қайтиб келгач, ҳам-қошларига Пленумдан олган ўз таассуротларини зўр ҳаяжон билан гапириб берган ва қолғочини ёшларни мўл ҳосил етиштиришга чақирган эди.

Киров номли қишлоқ хўжалик артелининг 12 ёш аъзоси Турсуновнинг бу чақирғидан гўл руҳланган ва тўпкочилар звеносига қўшилиб, мўл ҳосил етиштиришга ҳисса қўшиш истагини билдирди. Бу звенога қолхозда бир неча йиллардан бўён ишлаб, ўзининг халол меҳнати билан дўстларининг ҳўрматига сазовор бўлган шофер Усмон Жумановни бошлиқ қилиб сайлашди. Ўртоқ У. Жуманов бошлиқ бу звенога Юсуфди Аҳмедов бошлиқлик қилган бригаданинг 40 гектар ери

ажратиб берилди. Звенонинг ёш пахтакорлари бу йил мавсумда ҳар гектар ерда 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга қатъий сўз бердилар.

Шу кунларда улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун астойдил курашмоқдалар. Звенода ҳозиргача бир гектар ерга 15 тоннадан маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиди. 32 гектар ер текисланган, бороналанди ва тандаб чигит экин бошлаб юборилди.

Пахтачилик соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган кесак соҳибкорлардан Тожи ака Қўдошев ва Сайдали ака Хайдаров ўртоқлар звено пахтакорларига мўл ҳосил етиштириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бериб турибдилар.

И. УРИНБОВЕВ,

Чиноз райони.

МУВАФФАҚИЯТЛАР МУСТАҲКАМЛАНАЁТИР

Яқинда Янгийер шаҳридаги «Коммунизм» қолхозига ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қолхоз раиси ўртоқ Т. Латипов 1960 йилда қилинган ишлар юзасидан ҳисоб берди.

— Хўжалигимиз, — дейди ўртоқ Латипов, — ўтган йили қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштириш орқасида экин пул ҳисобида 20 миллион сўм даромад оли. Қолхозимизнинг бўличмас фонди 544.500 сўмга етди.

Қолхознинг районда илгўр ҳисобланган Фармонқўла Суяров бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили аниқсиз катта ютуқни қўлга киргиздилар. Бригадада 185 гектар ерининг ҳар гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили кўтарилиб, ташлаб 647,5 тонна «оқ олтин» топширилди. Бу бригада аъзолари ўзларининг ҳар бир меҳнат кунлари учун янги пул ҳисобида 3 сўм 40 тииндан ҳақ олдилар. Қолхоз аъзоси Хўдоёқўла Суяров фидокорона меҳнати тўғайли янги пул ҳисобида

3.845,1 сўм, меҳанизатор ўртоқ Қўдошев эса 3.420,2 сўм даромад қилди.

Қолхоз пахтакорлари етти йилдангизнинг учинчи йилда ҳам ўтган йилдаги сингари катта ютуқларни қўлга киришти, юксак даромад олиш учун шу кунларда чигит экишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Қолхознинг ўнча яқин бригада пахтакорлари коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашяпти. Яқинда ўртоқ Ф. Суяров бошлиқлик қилган бригада аъзолари шундай шарафли ном берилди.

Қишлоқ хўжалиги артелида ташлаб чигит экишга киришди. Азатма пахтакорлар бу йил мавсумда 2350 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» ҳосили кўтариб, давлатга 8325 тонна пахта сотишга бел боғлаганлар.

Г. ЮСУПОВ,
И. УММАТОВ.

ҚОЛҚОЗ ҚОЛҚОЗЛАРГА ОТАЛИК ЕРДАМИНИ КЎЧАЙТИРАМИЗ

ДЎСТОНА ЁРДАМ БЕРАМИЗ

Украиналик довгўр раислар М. Посмитний ва П. Велуца ўртоқлар қолқоқ қолқоқларини оталикка олишнинг ташлабқўриқ бўлиб чиқдилар. Уларнинг Иттифоқимиздаги илгўр қолқоқларининг раисларига юборган мактуби бизни ҳам чуқурроқ мўлоҳаза юритишга ундади. Қолқоқ активлари, илгўр пахтакор ва чорвардорлар билан маслаҳатлашиб, районимиздаги «Ленинизм» қолқоқини шатакка оламиз деган қарорга келдик.

Ўтган йили областдаги кўп хўжаликлар сингари биз ҳам ҳосилдорликдан ютқандик. Шундай бўлса ҳам район бўйича энг юқори ҳосилни бизнинг қолқоқимиз берди. Хар гектар ердан 24 центнердан пахта етиштирдик. Мўсабақадомимиз бўлиш «Ленинизм» қолқоқини эса 9 центнердан ҳосил олди. «Ленинский путь», «Коммунар», «Ленинград» сингари қолқоқлар ва «Мирзақўла» совхоз ҳам 9-15 центнердан ҳосил етиштирилди. Агар бу хўжаликлар пахта ҳосилдорлигини ташлаб 2-3 центнер ошира олганларда район бўйича олинган умумий ҳосил 47-минг тоннадан сад ортиқроқ эмас, балки камида 55 минг тоннага бориб қоларди. Ана шундай мўлоҳазалар билан биз «Ленинизм» қолқоқини аъзоларига дўстона ёрдам кўрсатишга аҳд қилдик.

Биз ишчи қолқоқнинг аҳволи билан батафсил танишишдан бошладик. Маълум бўлдики, «Ленинизм» қолқоқини меҳнат интизомини аниқ бўш экан. 1960 йилда ҳосилдорликнинг кескин камайиб кетиши аввало шу камчилиқ билан вевосита боғлиқ. Шунини ҳисобга олиб, биз ўз қолқоқимиздан бир неча кишини «Ленинизм» қолқоқига юбордик. Улар қолқоқ правленеисе ва партия ташкилотига меҳнат интизомини мустаҳкамлаб олишда яқиндан ёрдам беришлари керак эди. Худди шундай бўлди. Тажрибадан деҳқонлар, ишчан раҳбарлардан иборат қолқоқимиз вакиллари у ерда икки-уч кун туриб, ишга яроқли кишилар, уларнинг дала ишларида қатнашиши, меҳнат унумдорлиги масалаларини ўрганилди. Айрим бригадаларда одамлар ишга кеч қиқиб, орта қайтаётгани, бажарилаётган ишнинг сифати яхши эмаслиги аниқланди, бу камчиликларга барҳам берилди.

Биз бундан бўён оталигимиздаги қолқоқга ўз мута-

хассисларимизни, қишлоқ хўжалик экинларидан мутасил мўл ҳосил етиштириб келаятган илгўр кишиларимизни юбориб турамиз. Дастлаб, 1960 йилда қайта сийрак, пахта анча кеч бўлганига қарамай, қандай қилиб 24 центнердан ҳосил олганимизни айтиб, тажрибадор билан ўртоқлашамиз ва камчиликларини доимо кўрсатиб турамиз. Улар техникаданми, бошқа нарсаларни қийналиб қолганимиз, ёрдам юборамиз.

Яқинда биз «Ленинизм» қолқоқини бўлиб, қолқоқ раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Улар билан иккита аниқ экиндан сепалка, 10 гектар ерга етилган қарам, қолқоқ кўчати, 20 кубометр ёғоч етарилди. Биз бу илатмосларни бажонидил қабул қилдик.

Биз бу қолқоқда ўтган йили ҳам 3-4 марта бўлиб, пахтачилик соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатган эдик. Бироқ бу билан иш тугалиб кетавормиди. Қолқоқда меҳнат интизомини бўш тўзалибдан биров маслаҳатимиздан фойдаланса, биров фойдаланмасин. Айниқса, ўзгани сўғирини кўп хатоларга йўл қўйиб, ҳосилнинг бир қисми йўқотиб қўйилди. Шунинг учун биз гўзага сув бериш вақтида «Ленинизм» қолқоқига ёрдам беришни, керак бўлса тажрибали сувчиларимизни юбориб, ёш сувчиларга иш ўргатишни ташкил қилишни ўз режамизга киритдик.

Қўшминг тинч — мен тинч, деган мақол бор. Энди бағиз ўз шўхратимиз, ўз қолқоқимиз, ўз ҳосилимизни тўғрисида ўйлашаслигимиз керак. Ҳўкуматимиз бошлиғи Никита Сергеевич Хрущев бу гапни қайта-қайта айтаяпти. Энди биз бир қолқоқ ёки совхознинг очор бўлиб қолганига шу хўжалиқнинг раҳбарлари билан бирга, унга қўшни бўлган илгўр хўжалиқнинг раҳбарлари ҳам айбдор деб баҳо берадиган бўлишимиз керак. Районимиздаги «Ленинизм» қолқоқини хусусида гап борганда биз ўзимизни айбдор ҳис қилишимиз. Чунки илгари бу хўжаликка юртимиздан чиқариб ёрдам бермаганми. Эндиги ёрдамимиз чинакам, дўстона ёрдам, ҳар иккала хўжалик битта яхлит мулк деган фикр билан берилган ёрдам бўлади.

Азизхон НОСИРОВ,

Гулистон районидаги «Красный Восток» қолқоқининг раиси.

Қишлоқ хўжалигимизнинг йулчи юлдазлари



Ўртоқ А. Д. ПОЛЮНИНА.

ЭНГ МУҲИМИ—ИШИНГИЗГА МЕҲР ҚЎЙИНГ

Бу йилги тайёргарлигимиз ҳам чакки эмас. Биз ҳар йили ҳам чигитни квадрат-уялаб экиб, ҳосилни асосан машинада териб оламиз. Квадрат аниқлиқни, машина терими эса қатор ораларининг текислигини талаб қилади. Шунинг учун ҳам еримизни кафтдек қилиб текисламоқдамиз. Бунда грейдерлардан фойдаланилиб Грейдерлар текислаб кетгандан кейин унинг орқасидан чиқаладик.

Бу йил катта-катта йиғинларда ҳам, мажлисларда ҳам ҳосил тутишда олинадиган, шунинг учун бригадирларнинг, меҳанизаторларнинг ишига бир гектар ерда қанчадан қўбачо сақлаб қолганиларига қараб баҳо берайлик деб жузда тўғри иш қилинапти. Ҳақиқатан ҳам кўчатини тўла қилиб олмадан туриб, мўл ҳосил етиштириш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ўтган йили бизнинг бригадасида ҳар гектар ерда 65 минг тупдан кўчат бор эди. Шунда ҳам гектаридан 27,5 центнердан ҳосил топширдик. Шунинг учун биз бу йил кўчатнинг текислиги учун курашни ҳозирдан бошлаганимиз: карта четларидаги йўللарнинг ҳажми камайтирилиб, дала бурчаклари ҳайланиб, гектарларнинг тўлалигини таъминладик.


Хатолардан тўғри ҳулоса чиқариб олиб, уни такоррамаслиқни ҳар бир деҳқон ўзининг бурчи деб билдириб келар. Ўтган йили биз аниқ уруғ ташлайдиган сепалкадан билан 12 апрелда чигит эка бошлаган эдик. Бу муқддат жузда орталиқ қилди. Туксизлангирлан чигитлар заҳда узоқ туриб қолиб, кўп ерларимизнинг кўчати ола бўлишига сабаб бўлди. Демокчманки, аниқ уруғ ташлайдиган сепалкада экин яхши, уруғликлан ҳам анча иқтисод қилинади. Илганга ҳам кам эҳтиёж қолади. Бироқ, уруғлик чигит туксизлангирлан бўлганилиг учун тупроқ етилган вақтин қилиб экилмас, кўчат ола бўлиб қолади. Мен қўшимча чигит экин очорчилардан деб биларман. Қўшнча қўшмача экиндан кузатишдан мақсадга эришиш қийин, барибур уни тузалмас деб қўяди. Шунинг учун қўшимча экин-ларига анча кам пул тақсимланганлигининг сабаби шундаки, бу бригадда машина теримига етарли эътибор берилмади. Пахта асосан қўл билан терилди.

Бу йил пахтани қон-қанорисиз ташиниш янада кенг йўлга қўямиз. Мен теримни машиналаштиришнинг афзаллиги тўғрисида бир мисол келтирмоқчиман. Ўтган йили қолқоқимизнинг ўртоқ М. Мухамедов бошлиқ бригадасида гектаридан 40 центнердан ортиқ пахта етиштирилди. Бироқ шунга қарамадан, бир центнер пахтанинг таннархи бизнинг пахтага қараганда анча қиммат бўлди. Меҳнат кўнларига олишган ҳақини айтмайлик. Бизнинг бригада аъзолари бир меҳнат кунига экин пул ҳисобида 16 сўмдан пул олганлари ҳолда, унинг бригадасида бир меҳнат кунига 15 сўмдан пул тақсимланган. Мухамедов бригадасида пахтанинг таннархи қимматлашиб, меҳнат кўнларига анча кам пул тақсимланганлигининг сабаби шундаки, бу бригадда машина теримига етарли эътибор берилмади. Пахта асосан қўл билан терилди.

Биз бу йил ўртоқ Мухамедов бригадасида ҳам пахтанинг таннархини арзонлаштиришга амалий ёрдам берамиз. Машина билан кўпроқ пахта терилишига қўмаклашамиз.

Бригадамиз аъзолари экинни 6-7 йил кунда тамомлаш учун шайланган турибдилар. Мен пахта етиштиришнинг айрим хусусиятлари тўғрисида гапирдим. Пахтадан мўл ҳосил етиштиришга бел боғлаган деҳқон бундан бошқа бир қатор тадбирларни ҳам ўз вақтида амалга ошириши керак. Хуллас, деҳқончиликда ҳар бир агротехника тадбири ўз вақтида сифатли ўтказилиб, техникага суялган ҳолда иш тутилиши зарур. Ана шунда мўл ва арзон пахта етиштириш мумкин бўлади.

А. Д. ПОЛЮНИНА,
Янгийўл районидаги Киров номли қолқоқнинг бригадир.



Суратда: Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти — Будапешт шаҳрининг умумий кўриниши. МТИ интерфотос фотоси.

Венгер халқининг улуг байрами

Венгер халқи оғир курашда ўзига ёрдам қилганларни, даставвал қардош совет халқини мамнуният билан эсга олади. Ажойиб совет кишилари Улуг Ватан уруши кунларида венгер халқини икки томонлама зулмдан немис ва венгер фашизми зулмидан озод этдилар. Бизнинг халқимиз яна шуни ҳам абадий эсда сақлаб қоладики, буидан бир неча йиллар илгари ички реакция кучлари империалистлар билан иттифоқ тузиб, ревизионистларга таянган ҳолда, Венгрия Халқ Республикасини социалистик лагердан тортиб олишга уриниб кўриб, қуролли исён кўтарди. Қардош совет халқининг қарамон фарзандлари пролетар интернационализмнинг олижаноб ёлларига солиқ эканликларини ўз қонлари билан яна бир бор исбот қилиб кўрсатдилар, бизнинг халқимиз Венгрияда капиталистик тузум ва фашизмнинг қайта тикланишидан ҳимоя қилдилар.

Аммо, венгер ва совет халқларининг қон билан мустақамланган эътилоғи анча илгари вужудга келгандир. Аслида бу дўстлик солдат муштрларини кийиб олган дерай юз минг венгрия ишчи ва деҳқонлари 1918—20 йилларда шонли Қизил гвардия сафларида курашган, сўнгра эса Улуг Октябрь социалистик революцияси қўлга киритган ютуқларини ҳимоя қилиб, Қизил Армия сафларида туриб оққариячиларга қарши курашган пайтларда бошланган эди. Венгрия ишчи-деҳқонлари фақат совет халқининг ҳаммаси, балки венгер халқининг ҳам бахти келажаги учун курашаётганликларини ўша вақтларда яхши билган эдилар.

Одатда миллий байрамлар шундай бўладики, катта тарихий воқеалар маълум бир йиллик саналар билан ҳар доим ҳам бир вақтга тўғри келармиди. Шу йилнинг 4 апрелидаги байрам ҳам худди шундай бўлди. Бу сафарги йиллик — 16-йилликдир. Шундай бўлса ҳам у алоҳида ажралиб турибди. Чунки бу йиллик муҳим тарихий воқеалар билан бир вақтга тўғри келди.

Социалистик лагер мамлакатлари эришадиган муваффақиятлар коммунистик ва ишчи партияларининг 1960 йил ноябрида Москвада бўлиб ўтган Кенгаши Баёнида келтирилган қондаларнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Бизнинг халқимиз бошқа социалистик мамлакатларнинг халқлари каби шуни яхши биладики, фақат Совет Иттифоқидангина эмас, балки бошқа социалистик мамлакатлардан ҳам капитализмнинг қайта тикланиши учун социал-истиқодий имкониятлар тугатилгандир. Социалистик лагернинг бирлашган кучлари — барча социалистик мамлакатлар учун империалистик реакциянинг ёмон ниятидан сақланишнинг ишончли гаровидир. Социалистик давлатларнинг ягона лагерида жинслаганлиги, бу лагернинг тобора мустақамланган бораётган бирлиги ва муттасил ўсиб бораётган куч-қудрати бутун жаҳон социалистик системаси миқёсида социализмнинг тўла ғалаба қозонишини таъминламоқда.

Бу қондалар бизнинг халқимизнинг ижодий меҳнатда янгидан-янги ғалабалар учун курашга, уш йиллик планни ошириб бажаришга илҳомлангандир. Санот ишлаб чиқариши 1957 йилда планлаштирилган 22 процент ўрнига 1960 йилда 40 процент кўпайди. 1958-1960 йилларда қишлоқ хўжалигининг янги маҳсулоти 11—12 процент ўсиш ва 1955

Шандор СЕРЕНИ, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети фан ва маданият бўлими мудирининг ўринбосари

—1957 йиллардаги ўрта даражадан ошиб кетди. Бу муваффақиятлар шунинг учун ҳам зарурки, кейинги икки йил ичида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришни асосан амалга оширишга эришилди. Бу — венгер ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлари қўлга киритган буюк муваффақиятдир, партиянинг ленинча тўғри сиёсати изчиллик билан юритилганлигининг янги далилидир. Ҳозирги вақтда мамлакатдаги экин майдонларининг 90 проценти социалистик сектор қўлига ўтган. Биз дедилик билан айта оламизки, Венгриянинг қишлоқ хўжалигида ҳам социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳукмрон бўлиб қолди.

Халқ хўжалиги планини ошириб бажариш қўшимча равишда йиллик ҳаражатларни талаб қилганига қарамай, меҳнаткашларнинг моддий турмуш даражаси планда кўрсатилганидан юқори бўлди. Реал иш ҳақи ҳар бир ишчи ва хизматчи ҳисобига 1960 йилда 1957 йилдагидан даражадан 10 процентдан зиёд кўпайди. Айни вақтда уч йиллик планда реал иш ҳақини 6 процент ошириш кўзда тутилган эди. Чакана савдо обороти планда белгиланган 14 процент ўрнига 28 процентга кўпайди. Бу ютуқлар бу йил бошланган янги беш йиллик планни бажариш учун мустақам база яратди. 1961 йилда санот ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини 8 процент кўпайтириш планлаштирилган. Венгер меҳнаткашлари бу кўрсаткичини ошириш учун шай бўлиб турибдилар.

Биз мамлакатда маданий революцияни амалга ошириш соҳасида ҳам зўр гайрат билан ишламоқдамиз. Маданий соҳада бўлгани каби, ишчилар синфи ва деҳқонлар ҳаётининг ҳамма соҳасида ҳам тўз ўзгариларди рўй берди. Фашистлар Венгрияда ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг болалари ўрта ва олий мактабларда 4 процентдан ҳам камчилиги ташкил этар эди. Ҳозирги кунда эса улар барча ўқувчиларнинг ярмидан кўпини ташкил этади.

Билимга бўлган кучли ташналикдан шу нарса гувоҳлик берадики, катта ёшдагилардан дерай 200 минг киши олий ўқув юрталарини кечки ва сиртки бўлимларида таълим олмақда. Уқиб билан ишлаб чиқаришни биргаликда олиб бораётган меҳнаткашларнинг сони йил сайин кескин кўпайиб бораётган. Билан тарқатиш жамияти, касба соҳалари ва Советлар томонидан ташкил қилинган 70 минг лекцияни 1960 йили дерай 4,5 миллион киши тинглади. Венгрия овоз қилинганга қадар радио абонентлар сони 420 мингга эди. Ҳозир эса бу миқдор 2 миллион 250 мингга етди. Бундан айтиш уч йил илгари Венгрияда домий телевизион эшиткичлар йўлга қўйилган эди. Лекин шунга қарамай, абонентлар сони аллақачон 100 мингдан ортиб кетди ва ҳар йили бу миқдор қарийб икки баравар кўпайиб бораётган.

Бизнинг халқимиз китобхон халқ бўлиб қолди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, нашр қилинган, сотиб олинган ҳамда ўқиб чиқилган китоблар бўйича биз тараққий этган кўпгина капиталистик мамлакатларни жуда орқда қолдириб кетдик. Нашриётларимиз, театр, кино, маданият уйлари, бадий ҳаваскорлик коллективларимизнинг ишлари йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Репертуарлардан мешчанлик халтураси, дидиллик билан қувиб чиқарилаётган. Бадий жиҳатдан юксак савиядаги асарларга тобора кўп-

роқ ўрин берилаётган. Классикларнинг китоблари билан бир қаторда, замонавий темаларда ёзилган асарлар сони ҳам кўпайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда илмий тадқиқотларнинг 15 йиллик перспективаси план ишлаб чиқилган. Бу план мамлакатдаги илмий ишларни янада амалга ошириш имконини беради, янада яқиндан халқроқ ҳамкорлик ўрнатил, айниқса социалистик мамлакатларнинг олимлари билан алоқаларини мустақамлаш имконини яратди.

Венгриянинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари келажакка катта ишонч билан қарамоқдалар. Бу ишонч мақтанчоқлик эмас. Биз ўз ишимизда ҳали мавжуд бўлган камчиликларни яхши кўриб турибмиз. Бизнинг келажакка бўлган ишончимизни фақат қўлга киритилган муваффақиятларимизга таъминламайди. Халқимиз бу муваффақиятлар билан ҳақли равишда фархланади. Бу ишончга социалистик лагер халқларининг ва даставвал Совет Иттифоқи халқларининг экономика, фан ва техниканинг барча соҳаларида, тинчликни ҳимоя қилишда, империализмга қарши курашда қўлга киритган ажойиб, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муваффақият ва ютуқлари куч-қувват бағишлайди.

Венгер халқи тинчликсевар социалистик миллатлар улуг оиласининг ҳурматли аъзоси сифатида тинчлик, тараққиёт ва социализм учун бул курашда қатнашаётганлиги билан фархланади. Венгрия Социалистик ишчи партияси VII съездининг қарорларига биноан, биз социализм қурилишини тезлаштиришга ҳаракат қиламиз, олинган бораётган халқлар билан яқиндан бирлашшига интиламиз. Бу эса бизнинг халқимизни янгидан-янги қадрмонликлар сари илҳомлангандир, 4 апрель — улуг миллий байрам кунини унга алоҳида ҳурданчилик бағишлайди.



Тошкентнинг Октябрь районида яшовчи Абдували Хошимов оиласини санъаткорлар оқласи деб аташади. Онда эъзо-ларидан 4 киши мусиқа билан шуғулланади. Суратда: анаува Набижон ва Абдурамон Хошимовлар панионини чалишмоқда. Кини опа эса ўз ўғилларининг машини завок билан тингламоқда.

В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

МОСКВА, 1 апрель. (ТАСС). СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Бузнецов Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси Ф. Робертс жанобларини қабул қилди ва унга Совет ҳукумати-нинг Лаос масаласи юзасидан эсдалик хатини топширди. Бу — Буюк Британия ҳукуматининг 23 мартдаги эсдалик хатига жавобдир. Илгари — 18 февралда Совет ҳукумати худди шу масала юзасидан Буюк Британия ҳукуматига эсдалик хати юборган эди.

Совет ҳукуматининг эсдалик хатида таъкидланадики, Совет ҳукумати Лаоснинг Женева битимларига мувофиқ бетаараф, ягона, мустақил ва тинч давлат бўлиши учун муттасил курашиб келди ҳамда курашмоқда ва аллақачондан бери тегинди халқроқ кенгашининг дарҳол қақирилишини талаб қилмоқда. Шу муносабат билан

Лаос бетаараф, ягона, мустақил ва тинч давлат бўлиши лозим

Совет ҳукумати Лаосда кузатиш ва контрол қилиш юзасидан халқаро комиссия қақирилишига ҳам розидир.

Лаос ҳукумати ҳақидаги масала, ўз-ўзидан маълумки, лаосликларнинг ўз ички ишлариридир. Европа ва Осиёдаги кўпгина бошқа давлатлар сингари Совет ҳукумати ҳам маълумки, Лаосда шаҳзода Суванна Фуманининг қонуний ҳукумати бор, деган фикрда турибди. Ўз-ўзидан маълумки, Лаосдаги турли сиёсий оқимлар ўртасида мамлакатнинг миллий

партиясининг асосчиларидан Бир, Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Фридрих Хесман очди.

Австрия Коммунистик партиясининг раиси Йоганн Колленег «Сиёсий аҳвол ва партия курашининг вази-фалари тўғрисида» Австрия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладыни қилди.

Биз, деди И. Колленег, мамлакат ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларининг курашида бу съезд янги гайрат бағишлайдиган съезд бўлиб қолиши учун уни партияимиз ҳаёти ва тараққиётида бурилиш нуқтасига айлантиришга қаттиқ бел боғладик. Бу интилим ва ишонч фактларга асосланади. Кейинги ойлар мобайлида Австрия Коммунистик партияси сафарига 4 минг йилгиз аъзо қабул қилинди. Партия Штирия ўлкасининг ландтагига ўтказилган сайловларда анча муваффақият қозонди.

И. Колленег халқроқ проблемалар тўғрисида гапириб, дедики, Совет ҳукумати ёлпасига, батамом ва контрол қилиб туриладиган қурол-сиёсийнинг тақдир қилиб кўрсатган ташаббуси жуда катта жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эгадир. Бу тақдир, деди И. Колленег, халқ оммасини зўр бериб қуролланиш юзидан қўтариш учун, узоқ му-датли тинчликка эришиш учун курашда таъсирчан воята бўлди.

И. Колленег Австриянинг бетаарафлиги масаласига ўз докладыда катта ўрин берди.

И. Колленег Австрия Коммунистик партиясининг Габрий Германиядаги ҳукмрон доираларнинг агрессия сиёсатига муносабати ҳақида гапириб, дедики, Австрия ўз чегараларини олиб, Европанинг қўз ўртасида, янги уруш ҳавфи манбаи асво

бирлигини мустақамлаш-тадбирлари тўғрисида музокаралар ўтказилганда Совет ҳукумати хайрихоҳлик билан қараган бўлур эди.

Нихоят, Совет ҳукумати Буюк Британия ҳукуматининг эътиборини шу нарсага қаратишни зарур деб ҳисоблайдики, Лаос проблемасининг ҳал қилиниши бу вазифани ҳал қилиш учун қўлай вазият сақлани-шини талаб қилади. Ўз-ўзидан маълумки, СЕАТО ҳарбий блокнинг Лаос ишларига аралашши таҳдиди ҳамда кейинги вақтларда айрим давлатлар қўллаётган қуролни пеш қилиш тактикаси бунга ёрдам бериши уёқда туриб, балки Лаос проблемасини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларни жиддий тарзда мураккаблаштириб юбориши мумкин.

Ёлланган қотиллар енг шимармоқдалар

НЬЮ-ЙОРК, 2 апрель. (ТАСС). Катанга виллоятининг кўнгирон ҳукмдори Чомбе кўнчилари виллоятнинг шимолида пухта тайерланган ҳужуми давом эттирмоқда. Катанга «информация ми-нистрлигининг» айтишига қара-ганда, Маноно шаҳрини босиб ол-ган колонна Лулаба дарёсига ет-ган. Чомбегинг бельгийлик учув-чилар учираётган самолётларни қонуний ҳукумат қўшинларининг от-радларини Киву виллоятдан аж-ратиб қўйишга интилиб, дарёнинг кўпригини айланиб қилиб тап-лашган. Катанганинг маркази Эли-забетвил билан Маноно ўртасида-ги «осмон кўприги» жуда сер-ратов бўлиб қолди. Самолётлар Ма-нонога мадад ва ўндор этакзиб беришмоқда.

Ассошиейтед Пресс агентли-гининг хабарига айтилишича, сот-рин Чомбе режимига қарши кура-шаётган қўзғолончилар томонидан Катанганинг шимолида тузилган Лулаба виллоят ҳукуматининг бо-шчилиги Проспер Илума Киву виллоятдаги Киву шаҳрига кел-ган.

НЬЮ-ЙОРК, 2 апрель. (ТАСС). Ассошиейтед Пресс агентлиги му-ҳбирининг хабарига айтилишича, Маноно жанубий африкалик ва инглизлардан иборат ёлланма кў-нчилар кучи билан Маноно шаҳ-рини босиб олиганига кеча Эли-забетвилда расмий равишда эълон қилинган. Катанга «хукумати» я-қин доираларнинг очкидан-очки айтишига қараганда, «саралан-ган корпуснинг» инглиз тилида гапилашувчи солдатлари Катанга армиясининг бошқа колонналари-га бош бўлиб Маноно шаҳрига кир-дилар. Шаҳрни босиб олган-га раҳбарлик қилган инглиз ка-питани Ричард Блаун агентлик му-ҳбирига, бу операциядан мен «жу-да маза қилдим» деб айтган.

Конгода Чомбе граждандар уру-шини авж олдириётганлигини ўз кў-зи билан кўриб турган Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қуролли кучларнинг қўмондонлиги сира-пинини бузмаётди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини маъмура-ларнинг Элизабетвилдаги вақили кеча, «Манонода нималар бўлаёт-ганлиги тўғрисида менданги маъл-умотлар жуда кам» деб айтди. Вақоланчи, мавжуд маълумотлар шаҳардаги вазият ҳақида таъ-минлангани етарли равишда ра-йон курашга турибди, шу вақил-нинг ўзи айтган таъна қараганда, «асосан қотиллар ва болалардан иборат жаҳо отрядларидан ҳимоя қилиниш сўраб. Бирлашган Мил-латлар Ташкилотини маъмура-рига му-рожаат қилмоқдалар.

Редактор З. И. ЕСЕНБОВ.

ТОШКЕНТИНГ МАКНИА ЗАВОДИДА ТЕАТР НАВОНИЙНОМИ ТЕАТРИДА — 5/IV да Шопенана ва балетлардан парчалар. ХАМЗА НОМИ ТЕАТРИДА — 4/IV да Имом, 5/IV да Олма гул лаганда. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 5/IV да Арслонлар аттракцион. Арслонларни ўргатувчи Владимир Борсов ва бошқа номерлар. К И Н О Кўр ўғли — «ВАТАН» (кеч соат 8 да). Роман ва Франческа — «ВАТАН». «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30. ИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», (кундуз ва кечкурар). Ўз ақли билан — «МИР», (кундуз ва кечкурар). Олтинтопан кўрғошин-рух комбинатининг МАРКАЗИЙ РЕМОНТ-МЕХАНИКА ЗАВОДИГА моделчилар, моделчилик ихтисосига ўргатиш учун, камда 7—10 синф ҳақи-мида маълумоти бўлган дурал-горлар, қозончи ва йиғувчи слесарлар, токарлар, фрезерчилар, инструментчи слесарлар керак Олмалик шаҳрида заводнинг кадрлар бўлимига муружаат қилинсин.

8 апрелда Алоқа ходимлари клубида Тошкент шаҳар омонат кассаларида сақланган ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ 37-йутқлар тиражи ўтказилади Тиражда сўт омонатларининг ҳар минтасига 25 ютуқ, шу ҳисобдан ютуқ сўтда ўтган айрим йил ичида сақланиб кел-ган ўтқач омонатнинг: 200% ти миқдорда 1 ютуқ, 100% ти миқдорда 2 ютуқ, 50% ти миқдорда 2 ютуқ, 25% ти миқдорда 20 ютуқ ўйналади. Бундан кейинги ютуқлар тира-жи 1 октябрдан 10 октяб-рга ўтказилади. Пулинган омонат кассалар-да ютуқли омонатга қўйиб сақ-ланган! Тошкент шаҳар давлат ме-х-лат омонат кассалари ва дав-лат кредит бошқармаси. ЕГОЧСОЗЛИК ЦЕХИ Буюртмачилар ёлланган ТАХТА АРРАЛАЙДИ Буюртмачиларнинг ўз вақтида ва сифати бажарилиши таъминлана-ди. Муружаат учун адрес: Қўвчи-шоссе, Пограничная кўча, 14-уй (7 ва 17. автобуснинг «Янсийсполном» останковаси).

ШАҲАР МАХСУС МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ Буюртмачилар материалдан ташқи ва ички водопровод, ка-нализация электр тармоқлари, бино иситиш ускуналарини МОНТАЖ ҚИЛИШ, шунингдек электромонтаж иш-ларини синаш учун пудрат ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ Муружаат учун адрес: Тош-кент шаҳар Олмаот кўча, 67-уй Телефон — 42-885. Тошкентдаги 2-МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ ташкилот ва граждандарга ҳар қанча миқдорда кубометри 5 сўмдан УТИН СОТАДИ Муружаат учун адрес: Клара Цеткин кўчаси, 31-уй. Коллектив кўча 20-уй, 5-квар-тирада турувчи Дмитрий Ивано-вич Клодманнинг шу уйда турув-чи Лидия Николаевна Черепанова (Клодман)дан ақрилиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Октябрь райони халқ судида қўрилади. Чехов кўчаси, 19-уйда турувчи Анастасий Наумович Куклеснинг Бердх кўчаси, 42-уйда турувчи Рахиль Матвеевна Куклес-Корос-тишевскаядан ақрилиш ҳақидаги иш Тошкент шаҳар, Фрунзе рай-он халқ судида қўрилади.